

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



Рўйхатга олинди:
№ БД – 5220100 – 2.02
2016 йил “08” 08

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

2016 йил “25” 08

ЖУРНАЛИСТИКАДА АКТ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	200000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси:	220000 – Журналистика ва ахборот
Таълим йўналиши:	5220100 – Журналистика (халқаро журналистика)

Тошкент — 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “25” августдаги “355”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “8” августдаги 3-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Бабомурадов О.** - ЎзДЖТУ, “Ахборот технологиялари” кафедраси мудири, т.ф.д.
- Алиев М.** - ЎзДЖТУ, “Ахборот технологиялари” кафедраси доценти, п.ф.н.
- Дадахонов А.** - ЎзДЖТУ, “Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация” кафедраси катта ўқитувчиси.

Тақризчилар:

- Муратова Н.** - ЎзМУ, “Услубият, таҳрир ва Интернет журналистика” кафедраси доценти, ф.ф.н.
- Алимов Б.** - ЎзДЖТУ, “Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти” кафедраси ўқитувчиси.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2016 йил “8” июлдаги 11 - сонли баённома).

Фаннинг долзарблиги

Бугунги куннинг етук ахборот технологиялари журналистика соҳасининг иш услубларини ўзгартиришга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ахборот асрида янги компьютер технологияларининг кескин тараққиёти фаолияти бевосита ахборот йиғиш ва тарқатиш билан боғлиқ бўлган журналистика соҳаси мутахассислари учун сўнгги давр компьютер соҳаси ютуқлари бўйича чуқур билимга эга бўлиш, кундалик журналистик фаолиятда зарур бўладиган компьютер технологиялари ва дастурларидан фойдаланиш кўникмаларини ўзида шакллантириш журналистика соҳаси талабалари учун ниҳоятда муҳимдир. Ушбу дастур журналистика соҳасида ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланишнинг назарий ва амалий масалаларини ўз ичига қамраб олади.

“Журналистикада АКТ” фани бўйича ўқув курсини ўқитилишининг аҳамияти ва долзарблиги журналистика соҳасида таълим олаётган талабаларга замонавий компьютер технологияларининг ОАВ фаолиятида тутган ўрни ҳамда ОАВ таҳририятларида фойдаланиладиган компьютер технологияларининг техник ва дастурий таъминоти, ахборот йиғиш ва тарқатишда улардан фойдаланиш бўйича билим беришдир.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

“Журналистикада АКТ” фани ўқув режанинг “Математик ва табиий-илмий” фанлар” блокада бўлиб, 1- ва 2- семестрларда ўқитилади. Мазкур дастурда келтирилган мавзулар самарали ўзлаштирилиши учун талабаларнинг бошқа фанлардан ҳам муайян билимларга эга бўлишлари жумладан, “Журналистика асослари”, “Онлайн журналистика”, “Рақамли журналистика”, “Оммавий коммуникация назариялари ва моделлари” каби фанлардан етарли билим ва малакаларни эгаллаганликлари муҳим аҳамият касб этади.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Журналистикада АКТ фани орқали талабалар матнли, график ва анимацион, аудиовизуал ахборот материалларига компьютер технологиялари ва дастурлари ёрдамида ишлов бериш ҳамда уларни тайёр журналистик маҳсулот шаклига киритиш бўйича билим оладилар. Бу эса уларнинг келгусида ОАВ таҳририятлари фаолиятида иш ўринларини осон топишлари ва унга кўникма ҳосил қилишларига замин яратади.

Мазкур фаннинг илмий ютуқлари журналистик фаолият ва ахборот матуриаллари самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Фанни ўқитишдаги замонавий ахборот ва педагогик технологиялар ҳамда ўқув машғулотларни лойиҳалаш

Талаба “Журналистикада АКТ” фанини ўзлаштиришида таълимнинг инновацион усулларидан фойдаланиши, янги педагогик, ахборот ва интернет технологияларини татбиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади. Фанни ўзлаштиришда ўқув-услубий таъминот (дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, модул топшириқлари) дан фойдаланиш тавсия этилади. Маъруза ва амалий машғулотларда турли метод ва воситалардан, хусусан, ақлий ҳужум, кластер, амалий иш ва дидактик ўйинлар, портфолио, кейс-стади, шунингдек, компьютер дастурларидан (Microsoft Publisher, Adobe Photoshop, Adobe PageMaker, InDesign каби) ва интернет тизимларидан фойдаланиши мумкин.

Фан модулининг дастури (module syllabus)

Ўқув курсининг тўлиқ номи:	Журналистикада АКТ		
Курснинг қисқача номи:	ЖурАКТ	Код: ЖурАКТ	
Кафедра:	Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация		
Ўқитувчи ҳақида маълумот:	Дадахонов Аъзамжон Олтмишевич	E-mail: intern-journ@yandex.ru	
Семестр ва ўқув курсининг давомийлиги:	1-2 семестр, 38 ҳафта		
Ўқув соатларнинг ҳажми:	Жами:	192	
	шунингдек:		
	Маъруза	36	
	Семинар		
	Амалий	78	
	Мустақил таълим	78	
Ўқув курсининг статуси:	Математик ва табиий-илмий фанлар блоки		
Дастлабки тайёргарлик:	Курс “Информатика” ва “Математика” фанларидан ўзлаштирилган билимларга асосланади.		
<p>Фаннинг предмети ва мазмуни: -талабаларга аудитория талабларидан келиб чиқиб фаолият юритиш, нашриёт ишлари, газета ва журналларни саҳифалаш, аудио ва виде маҳсулотларини монтаж қилишда ишлатиладиган дастурлар, мобиль журналистика технологиялари ва уларда ишлашга қўйиладиган талаблар, онлайн ахборот тарқатиш технологиялари билан боғлиқ фаолиятлар ҳақидаги билимлар берилди. Буларни амалга оширишда талабалар маъруза дарсларида назарий жиҳатдан фанни ўзлаштириб, амалий машғулотларда талабаларнинг ўзлари томонидан компьютер ёрдамида журналистик материаллар устида ишлаш кўникмаларини ўзида шакллантириши кўзда тутилган.</p>			
<p>Фанни ўқитишдан мақсад -нашрларда журналист тарқатаётган ахборот ва ҳар хил маълумотларнинг муҳлислар учун таъсирли бўлишида компьютер технологиялари ва дастурларининг ўрнини ўрганиш ҳамда матбуот нашрлари фаолиятида компьютернинг роли ва у орқали фойдаланиладиган дастурлар ҳақида маълумот бериш.</p> <p>Фаннинг вазифаси - журналистиканинг янги йўналиши – интернет журналистиканинг технологик асослари, маълумотларни узатишда матн, графика, жадвал ва анимацион расмлардан фойдаланиш усуллари, саҳифалаш ва монтаж ишларида фойдаланиладиган компьютер дастурларида ишлаш, мобиль журналистиканинг технологик ва дастурий асослари, эшиттириш ва кўрсатувларининг сунъий йўлдош орқали ва умумжаҳон Интернет тармоғи орқали узатилиши талабаларга ўргатиш.</p> <p>“Журналистикада АКТ” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалр доирасида талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> – журналистика соҳасида ишлатиладиган компьютер технологиялари; – полиграфия асослари, нашриёт техника ва технологияларининг асосий атамалари; – нашрларда журналист тарқатаётган ахборот ва ҳар хил маълумотларни тайёрлашда компьютер технологияларининг аҳамияти; 			

- матбуот нашрларини саҳифалаш ишларида компьютернинг роли ва у орқали фойдаланиладиган дастурлар ҳақида маълумотлар;
- интернет ва мобиль журналистиканинг технологик ва дастури асослари;
- Microsoft Office таркибидаги Microsoft Publisher дастури;
- Adobe PageMaker дастур ойнаси, асбоблар панели;
- босма маҳсулотлар яратишнинг асосий усуллари;
- маълумотларни узатишда матн, графика, жадвал ва анимацион расмлардан фойдаланиш усуллари;
- ахборот глобаллашуви ва замонавий ахборот-коммуникация тизимларидан самарали фойдалана олиш **ҳақида тасаввурга эга бўлиши**;
- компьютер ёрдамида нашрларни саҳифалаш ишларини аудитория талабларидан келиб чиқиб бажариш қонуниятларини;
- газета ва журналларни саҳифалаш принциплари, уларга қўйиладиган талабларни;
- интернет журналистлари учун муҳим бўлган веб-саҳифалар яратишнинг технологик ва дастурий асосларини;
- замонавий нашриётда фойдаланилаётган технологияларни;
- Microsoft Publisher ҳамда Microsoft FrontPage дастурларининг имкониятларини;
- Adobe Photoshop имкониятларини ва фотосуратларни мақола таркибига мос ҳолда жойлаштиришни;
- Adobe Pagemaker ҳамда InDesign дастурларининг матбуот нашрларини саҳифалашдаги имкониятларини;
- радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар тайёрлашда ишлатиладиган компьютер технологияларни;
- эшиттириш ва кўрсатувларнинг сунъий йўлдош орқали ва умумжаҳон интернет тармоғи орқали узатилишини;
- онлайн журналистиканинг бугунги технологик ютуқлари ва жамият ҳаётидаги аҳамиятини;
- янги компьютер технологиялари ёрдамида журналистик фаолият олиб боришнинг қулайликларини **билиши**;
- босма нашр маҳсулотларини компьютер ёрдамида саҳифалаш;
- информацияни топиш тизимида ишлаш;
- модем, сканер ва принтердан фойдаланиш;
- шахсий компьютерда ишлаш қоидаларини билиш;
- ахборот узатиш, маълумот йиғиш ва бошқа журналистик фаолиятда ахборот-коммуникация технологияларининг сўнгги ютуқ ва имкониятларидан фойдаланиш;
- газета ва журнал саҳифаларида матн, график объектлар ва жадвалларни аудитория талабларига мос тарзда жойлаштира олиши;
- ҳар хил тиллардаги маълумотларни виртуал тизимдан хоҳлаган маълумотни топа олиш **қўникмаларига эга бўлиши**;
- Microsoft Word матн муҳаррири ёрдамида матнли файллар яратиш;
- Microsoft Office таркибидаги Microsoft Publisher дастурида буклетлар, каталоглар, эълонлар, ташриф қоғозлари, календарлар яратиш;
- нашриёт тизимларида фойдаланиладиган Adobe PageMaker дастурида ишлай олиш;
- интернет тизимида шахсий блоглар ярата олиш **малакаларига эга бўлиши керак**.

Курснинг тематик таркиби ва мазмуни

Т/р	Мавзу	Маъруза	Амалий (семинар)	Мустақил Иш
1-семестр				
1.	Курснинг ўрганиш объекти, предмети, мақсад ва вазифалари	2	4	2
2.	Журналистика самарадорлигини оширишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш	2	4	4
3.	Смарт-ўқитиш муҳити ва унинг турлари	2	4	2
4.	Журналистикада турли типли хужжатлар тайёрлаш воситалари	2	4	4
Жорий назорат (ЖН)				
5.	Тақдимот яратишнинг замонавий воситалари	2	4	4
6.	График ахборотларга ишлов беришнинг замонавий воситалари	2	4	4
7.	Интернет журналистикада анимацион лавҳа (ролик) ларни тайёрлашнинг замонавий воситалари	2	4	4
Оралик назорат (ОН)				
8.	Аудио ва видео материалларини яратиш ва ишлов бериш	2	4	4
9.	Замонавий веб-технологиялар таснифи	2	4	4
10.	Интернет тармоғи хизматлари	2	4	4
11.	Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг усул ва воситалари	2	4	4
Жорий назорат (ЖН)				
12.	Электрон ўқув курсларини яратиш воситалари	2	4	4
13.	LMS мақсад ва тузилмаси	2	4	4
14.	LMS MOODLEда фойдаланиш учун ўқув контентларини тайёрлаш ва нашр этиш	2	4	4
Якуний назорат (ЯН)				
1-семестр бўйича жами		28	56	52
2-семестр				
15.	Журналистикада АКТнинг ўрни ва аҳамияти	2		2
16.	Замонавий ОАВ таҳририятлари фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланиш	2	2	2
17.	Компьютер ёрдамида визуал ахборот узатиш технологиялари		2	4
18.	Маълумотлар журналистикаси ва унда журналистик ахборот контентини шакллантириш усул ва воситалари		4	4
Жорий назорат (ЖН)				
19.	ОАВ фаолиятида маълумотлар		2	4

	журналистикаси кўринишларидан фойдаланиш тараққиёти			
20.	Маълумотлар журналистикаси ва инфографикалар дизайни асослари	2	4	4
	Оралик назорат (ОН)			
21.	Графика турлари ва ахборот материали маълумотларини компьютер графикаси орқали ифодалаш усуллари		4	4
	Жорий назорат (ЖН)			
22.	Маълумотлар билан ишлашда инфографикалар устида ишлаш тамойиллари	2	4	2
	Якуний назорат (ЯН)			
2-семестр бўйича жами		8	22	26
Умумий		36	78	78
Таълим бериш ва ўқитиш услуги:	Маъруза, амалий машғулотлар, мустақил ишлар (айлана стол, кейс стади, мастер-класслар)			
Мустақил ишлар:	Ўқув лойиҳалар, гуруҳли тақдимот, рефератлар, кейслар, докладлар, кроссвордлар, постер, проспект, эссе ва ҳ.з.			
Маслаҳатлар ва топшириқларни топшириш вақти	Кунлар	Вақти	Ауд.	
Билимларни баҳолаш усуллари, мезонлари ва тартиби:				
ЖН ва ОН нинг баллари ишчи дастурда берилди				
Баҳолаш усуллари	Тестлар, ёзма ишлар, оғзаки сўров, презентациялар ва ҳ.з.			
Фан бўйича талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш	Назорат шакллари			
	Баҳолаш турлари фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда сўровлар, оғзаки савол-жавоб, ёзма иш, тест синовлари ёки бошқа кўринишда ўтказилиши мумкин.			
	Фан бўйича талабалар билимини баҳолаш мезони			
	Балл	Талабанинг билим даражаси		
	86 - 100 балл	– талаба машғулотларга доимо тайёрлаган, жуда фаол, дастурий материалларни яхши билади, хулоса ва қарорлар қабул қилаолади, ижодий фикрлайди, билимларни амалиётда қўллаш олади; – талаба ижодий масалаларни ҳал қилиш мобайнида тегишли билимларни қўллаш		

		<p>доирасини мақсадга мувофиқ танлаб, ечимни топишга хизмат қилувчи янги усул ва йўналишларни топа олади, ўқув материални моҳиятини тушунади;</p> <p>– талаба тақдим этилган ўқув масалаларини ечиш йўллариини излайди, да турий материалларни билади ва айтиб бераолад ҳамда тасаввурга эга бўлади.</p>
	71 - 85 балл	<p>– талаба ўрганилаётган ходисалар алоқадорлигини билиш ҳамда объектни тавсифлай олиш кўникмасига эга бўлиши билан биргаликда, қўйилган масалаларни сабаб-оқибат алоқадорлигини очиб берган ҳолда еча олади, ўрганилаётган назарий билимларни амалиёт билан боғлай олади ва мустақил мушоҳада қилаолади;</p> <p>– билим ва кўникмалар мазмунини тадбиқ қила олиш маҳорати, бир типдаги масалаларни еча олиш, ёзиб олиш ва эслаб қолиш фаолиятини амалга оширади, билимларни амалиётда қўллай олади;</p> <p>– талаба машғулотларга тайёрланган, дастурий материалларни билади, моҳиятини тушунади ва тасаввурга эга.</p>
	55 - 70 балл	<p>– талабанинг эшитганлари, уларга берилган намуналар, тақдим этилган алгоритм ва кўрсатмалар асосида топшириқларни бажара олади, моҳиятини тушунади;</p> <p>– талаба қатор белгилар асосида маълум объектни фарқлаш билан биргаликда унга таъриф бера олади ва ўқув материални тушунтириб бера олади ва тасаввурга эга.</p>
	0 - 54 балл	<p>– талаба тасаввурга эга эмас;</p> <p>– талаба дастурий материалларни билмайди.</p>
Фанга доир видео маърузалар, видео роликлар:		
Глоссарийлар:		
Ахборот ресурс база:		

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулоти мазмуни

1-модул. Курснинг ўрганиш объекти, предмети, мақсад ва вазифалари

Курснинг мақсади ва вазифалари. Ахборот технологиялари ривожланишининг замонавий тенденциялари, илғор технологиялари тавсифи ва соҳада қўллаш аспекти, ривожланиш тенденцияси. Ахборот-коммуникация технологияларига дунё ахборот ҳамжамияти ривожланиш талаблари доирасида қўйилаётган вазифалар ва устувор йўналишлар.

2-модул. Журналистика самарадорлигини оширишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш

Замонавий ахборот технологиялари, жумладан, соҳа мутахассисларини замонавий ахборот технологиялари техник воситалари, операцион тизимлари, мобил қурилмалар ҳамда улар билан ишлаш усул ва воситалари, турли тизимли ва бошқа қўринишдаги иловалар тасниф ва тавсифи, фойдаланиш тартиби.

3-модул. Смарт-ўқитиш муҳити ва унинг турлари

Электрон ўқитиш муҳити, электрон ўқув ҳамжамияти, электрон ўқув муҳитининг бошқа электрон муҳитлар билан боғланиши, Смарт-китоб, электрон дарслик, Смарт-ўқув жараёни, Онлайн Смарт ўқитиш муҳити, Смарт технологиялари, электрон ўқитиш муҳитини яратиш ва фойдаланиш тартиби. турли Смарт технологиялари таснифи ва улардан фойдаланиш усул ва воситалари. Смарт-ўқув муҳити учун электрон контент яратиш усуллари.

4-модул. Журналистикада турли типли ҳужжатлар тайёрлаш воситалари

Электрон ҳужжатларни яратиш муҳитлари. Журналистикада турли типдаги ҳужжатларни тайёрлашнинг замонавий воситалари. Стационар, мобил иловалар, онлайн воситалар ёрдамида электрон ҳужжатларни яратиш, ишлов бериш ва улардан фойдаланиш технологиялари. Схемалар тузиш, Smart-фигураларидан фойдаланиш. Электрон жадвалли ҳужжатларни шакллантиришда стационар ҳамда мобил иловалар муҳитида ишлаш. Электрон форматдаги материалларни яратиш.

5-модул. Такдимот яратишнинг замонавий воситалари

Такдимот моҳияти ва турлари. Такдимот яратишнинг замонавий воситалари ва уларнинг имкониятлари. Интерфаол мультимедиа такдимоти. Такдимотга қўйилган талаблар. Интерфаол мультимедиа такдимотида триггерлардан фойдаланиш. Интерфаол мультимедиа такдимотларини тайёрлаш. Онлайн режимида такдимотлар тайёрлаш воситалари. Prezi дастури имкониятлари. Prezi.com да рўйхатдан ўтиш. Prezi дастурида янги такдимот яратиш. Такдимотга объектларни жойлаштириш. Тайёр такдимотни намоиш қилиш.

6-модул. График ахборотларга ишлов беришнинг замонавий воситалари

Компьютер графикаси тушунчаси. Компьютер графикаси турлари. Тасвири ахборотлар билан ишлаш технологияси. График объектларни яратиш ва қайта ишлаш воситалари. График объектларга ишлов бериш воситалари. Adobe Photoshop дастурида ишлаш. Adobe Photoshop дастурида тасвирларга ишлов бериш ва ўзгартириш киритиш. Онлайн режимида тасвирларга ишлов бериш воситалари билан ишлаш. График

объектларга мобил иловалар ёрдамида ишлов бериш. Инфографика тушунчаси. Журналистикада инфографика қўллашнинг аҳамияти. Журналистика инфографика воситаларидан фойдаланиш.

7-модул. Интернет журналистикада анимацион лавҳа (ролик) ларни тайёрлашнинг замонавий воситалари

Икки ўлчамли компьютер анимацияси тушунчаси. Flash технологияси. Дастурнинг асосий иш соҳалари ва тушунчалари. Macromedia Flash дастурининг ускуналар панели соҳаси. Macromedia Flash дастурида анимацион лавҳалар яратиш. Анимацион лавҳани Web-саҳифага жойлаштириш. Анимацион лавҳаларни Онлайн режимда яратиш ва ишлов бериш воситалари ва манбаалари.

8-модул. Аудио ва видео материалларини яратиш ва ишлов бериш

Овоз ёзувчи ва уларга ишлов берувчи дастурлар (Sound Forge). Товуш файл форматларини зичлаштириш. Рақамли видео. Windows OT муҳитида ишловчи видео файлларга ишлов берувчи дастурлар ва улардан фойдаланиш. Видеомонтаж. Android va iOS операцион тизимида овозли ва видео файлларни яратиш. Конвертация. Видеопотокни зичлаштириш ёки кадрлар бўйича зичлаштириш. Симметрик ва асимметрик зичлаштириш. Сценарий асосда мутахассислик бўйича муаллифлик роликлар яратиш.

9-модул. Замонавий веб-технологиялар таснифи

Журналистикада ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларидан фойдаланиш. Web-1, WEB 2.0 ва WEB 3.0 технологиялари, веб-сервислар, AJAX, веб-синдикация (RSS ва Atom технологиялари асосида), веб mash-up (истеъмолчи мэшаплар, маълумотлар мэшапи, бизнес-мэшаплар), теглар, фолксономия, Popfly Space, Microsoft Silverlight.

10-модул. Интернет тармоғи хизматлари

Интернет тармоғи, интернет хизматлари, провайдр, электрон почта, чат, видео мулоқот, домен номлари, skype, форум, портал, веб-сайт, ziyonet, google apps (Google асбоб ускуналари ва хизматларидан фойдаланган ҳолда журналистнинг ахборот майдонини лойиҳалаш. Веб муҳитида Google apps (Google Диск, Google Хужжатлар (матн, электрон жадвал, тақдимотлар, график муҳарирлари), Google таквим (календар), Google Hangouts (мессенжер) Google+, Google Blogger (сайтлар яратиш) орқали журналистика жараёнини ташкиллаштириш ва бошқариш), қидирув тизимлари, интернет каталоглар, ихтисослашган қидирув тизимлари, ахборот майдони, журналистикага оид порталлар, интертер, сайт, гипермуружаат, интернет ресурслари, виртуал мулоқот, реклама сайт, информацион сайт, журналистлар ҳамкорлиги, ягона интерактив хизмат ойнаси, очик маълумотлар портали.

11-модул. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг усул ва воситалари

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш. Аутентификация. Авторизация. Логин ва паролни ҳимоя қилиш. Ресурслардан рухсатсиз фойдаланиш ва унинг оқибатлари. Компьютер вируси. Вирусларнинг турлари ва вазифалари. Вирусларга қарши курашиш усуллари. Ахборот хуружлари ва ундан сақланиш қоидалари. Вужудга келадиган хавф ва таҳдидлар.

12-модул. Электрон ўқув курсларини яратиш воситалари

iSpring дастури ва унинг имкониятлари. iSpring Free дастури. SCORM ва TinCan тизимлари ҳақида тушунча. iSpring Suite асбоб ускуналари орқали электрон дарслик ва

видеомаърузалар яратиш. QuizMaker орқали электрон назорат тестлари, сўровномалар яратиш. iSpring DialogTrainer – тармоқланган диалогли электрон курсларни ва онлайн-перезентацияларни яратиш. Электрон on-line курсларини LMS, iSpring-сервер ёки виртуал сервер ёрдамида мобил алоқа воситаларидан фойлаланган ҳолда ташкил этиш.

13-модул. LMS мақсад ва тузилмаси

Масофавий таълим ва уни ташкил этиш асослари. Масофали ўқитишнинг назарий ва дидактик асослари. Масофавий таълим моделлари. Ўқув муассасасида масофавий таълим жараёнини ташкиллаштиришга қўйиладиган талаблар. Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш босқичлари.

14-модул. LMS MOODLEда фойдаланиш учун ўқув контентларини тайёрлаш ва нашр этиш

Таълимда эркин ва очик кодли дастурий таъминотлар таҳлили. Оммавий онлайн очик курслар. MOODLE тизимининг яратилиши. Виртуал таълимни бошқарувчи тизимларнинг функциялари ва MOODLE тизимининг асосий хусусиятлари. MOODLE платформасининг масофавий таълимни бошқариш имкониятлари ва функциялари. MOODLE тизимидаги ўқитиш модуллари. SCORM ёки AISS стандарт пакетлари. MOODLE тизими масофавий ўқув курсига қўйиладиган ресурс ва элементлар.

15-модул. Журналистикада АКТнинг ўрни ва аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 31 майдаги “Компьютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий қилишни янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарорни эълон қилиниши соҳада даврий нашрларни чоп этишгача бўлган жараёнлар соҳасида ривожланишга туртки берганлиги.

Матнли ва расмли ахборотни қайта ишлаш тизимини тубдан ўзгартириш, босишгача бўлган жараёнлар технологиясини такомиллаштириш заруратининг юзага келганлиги.

Ахборот технологиялари тараққиёти журналистик фаолиятга ҳам кескин ўзгариш ва янгиланишлар олиб кираётганлиги. Журналист кундалик фаолиятида фойдаланадиган АКТ. Улардан фойдаланиш кўникмасига эгс бўлишнинг журналистик фаолият самарадорлигига таъсири.

16-модул. Замонавий ОАВ таҳририятлари фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланиш

Ҳозирги вақтда матбаа маҳсулотларини нашрга тайёрлашда электрон ОАВ кириб келиши газеталарни босиш жараёнларини тезлашишига, ишлаб чиқаришни техник тайёрлаш вақтининг қисқаришига омил бўлганлиги.

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) нинг ривожланиши ва кенг қўлланиши сўнги ўн йилликдаги илмий-техник тараққиётнинг глобал тенденцияси саналиши. АКТнинг ривожланиши постиндустриал жамиятни янги сифат босқичига – ахборотли жамият босқичига олиб чиқиши.

Матбаачиликда учта босқич мавжудлиги: босишга тайёрлаш, босиш жараёни, босишдан кейинги ишлов бериш. Мазкур босқичларда компьютер технологиясидан фойдаланилаётганлиги.

Чоп этишнинг 4 асосий усули мавжудлиги: юқори, чуқур, офсет, трафарет. Уларнинг изохи.

17-модул. Компьютер ёрдамида визуал ахборот узатиш технологиялари

Ахборот асри технологиялари журналистик материалларини тайёрлаш ва узатишнинг янгича кўринишларини шакллантираётганлиги. визуал ахборот ва инфографика тушунчаларининг таърифи. Рақамли ОАВ, мобиль платформалар ва ижтимоий тармоқлар тараққиёти ахборот узатиш усулларини ўзгартириб юбораётганлиги. Компьютер ёрдамида жуналистик материаллар контенти (таркибий қисмлари) ни ифодалаш шакл ва воситалари. самарали ахборот тайёрлаш учун зарур бўладиган АКТ ва дастурлар.

18-модул. Маълумотлар журналистикаси ва унда журналистик ахборот контентини шакллантириш усул ва воситалари

Маълумотлар журналистикаси тушунчасининг таърифи. Унинг пайдо бўлишига туртки бўлган омиллар. Маълумотлар журналистикасининг ўзига хос хусусиятлари.

Маълумотлар журналистикаси журналистиканинг келажакдаги муҳим кўринишларидан бири сифатида. мазкур фаолият йўналишида янгиликларни узатишнинг ўзига хос усуллари ва бу борада креативлик (ижодкорлик) нинг яққолроқ намоён бўлиши.

Маълумотлар журналистикасининг шакллари. бу шакллар орқали ОАВ далилларга асосланиб таёрланган янгиликларни кўргазмали тарзда акс эттириши. АКТнинг кенг имкониятлари туфайли маълумотлар журналистикасининг тасвирийлик хусусияти анъанавий ОАВ фойдаланадиган анъанавий график узатиш усулларида фарқ қилиши. мазкур график тақдимотнинг замонавий шаклида бир ахборот материали таркибида видео, матн, аудио ва интерфаол графикаларнинг ҳам мавжуд бўлиши.

Маълумотлар журналистикасида ахборот материални тайёрлашнинг тўрт босқичи.

19-модул. ОАВ фаолиятида маълумотлар журналистикаси кўринишларидан фойдаланиш тараққиёти

Маълумотлар журналистикасининг кўринишлари илк бора 1999-йилдан бошлаб, Англиянинг *“The Guardian”* кундалик газетаси саҳифаларида намоён бўлгани. Ҳозирги кунда унинг ахборот узатиш усуллари ва шакллари оммалашиб, дунёнинг бир қатор етакчи ОАВ, жумладан: BBC, The Associated Press, *“The New York Times”*, *“Bloomberg News”*, *“The Wall Street Journal”*, *“Financial Times”*, *“Texas Tribune”*, *“Mother Jones”* каби ОАВ фаолиятида намоён бўлаётгани. Бунда ҳар бир ОАВ ўзига хос амалиё тажрибаларга эга эканлиги. *“The Guardian”* кундалик газетаси саҳифаларида ахборот материалларни узатишнинг ўзига хос жиҳатлари. *“The New York Times”* (*“Nyu York vaqtlari”*) газетасида мураккаб сиёсий ва иқтисодий жараёнларни ёритишда маълумотлар таҳлил ва тақдимотидан фойдаланиш тажрибаси ҳақида. *“Bloumberg News”* (*“Blumberg yangiliklari”*) таҳририяти амалиётида маълумотлар журналистикаси шаклларида электрон шаклда намоён бўлиши.

20-модул. Маълумотлар журналистикаси ва инфографикалар дизайни асослари

Маълумотлар журналистикаси дизайнининг асосий элементлари: сонлар, ранглар, чизмалар, матн ва бошқа янгилик элементлари. уларнинг ахборот материали самарадорлигида тутган ўрни.

Инфографика тушунчаси. Инфографика турлари ва шакллари. маълумотларни

тақдим этишда фойдаланиладиган турли график шакллар. Инфографикаларни яратишда Adobe Illustrator жастури имкониятлари.

21-модул. Графика турлари ва ахборот материали маълумотларини компьютер графикаси орқали ифдалаш усуллари

Графика турлари. Анъанавий журналистикада журналистикада графика шаклларида фойдаланишнинг ўзига хосликлари. маълумотларни тушунарли ва визуал тарзда тақдим этишда графикаларнинг ўрни.

Графика турлари: чизиқли, қисмли, истограмм, радар, блок ва тарқоқ графика сингари графика турлари. Уларнинг ўзига хосликлари ва тайёрлаш техникаси. Диаграммалар ва уларни яратиш усуллари. диаграммалар орқали маълумот узатишнинг икки муҳим жиҳати: маълумотларнинг тўғрилиги ва бир неча маълумотларнинг қиёсий таҳлилининг мавжуд бўлиши.

маълумотларни визуаллаштиришнинг бошқа тасвирий методлари: “дунё булути”, аралаш графикалар, кўпқиррали маълумотлар дизайни, икки томонлама ахборот дизайни, жараёнли графика, хариталар.

22-модул. Маълумотлар билан ишлашда инфографикалар устида ишлаш тамойиллари

Маълумотлар журналистикасида ахборот материалларини тўплаш, тайёрлаш жараёнлари илмий тадқиқот юритишга ўхшаш эканлиги. маълумотлар устида ишлашнинг асосий тамойил (принцип) лари: ҳаққонийлик, бутунлик (маълумотларни тўлақонли узатиш), мантиқийлик.

Турли мавзу ва соҳаларга оид ахборот материалларида узатиладиган инфографика шакллари. ихтисослашган ОАВда инфографикалар яратишдаги креатив ёндашувлар.

Маълумотлар журналистикасининг келажаги. Ахборот асри технологиялари тараққий этиши билан инфографикаларнинг журналистик фаолиятда янада ривожланиб бориши.

Амалий машғулотлар

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларини ўтказишда куйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

амалий машғулотларининг мақсадини аниқ белгилаб олиш;
ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш;
амалий машғулотлари нафақат аниқ мавзу бўйича билимларни яқунлаш, балки талабаларни тарбиялаш манбаи ҳамдир.

Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати

- Замонавий ахборот технологиялари таснифи ва улардан самарали фойдаланиш.
- Замонавий операцион тизимлар ва улардан фойдаланиш.
- Замонавий мобил воситалари ва улардан фойдаланиш.

- Смарт-электрон ўқув қўлланмалардан таълим сифатини оширишда қўллаш.
- Таълимда онлайн смарт-технологиялардан фойдаланиш.
- Матнли ҳужжатлар билан ишлаш муҳити.
- Электрон жадвалли ҳужжатларни шакллантириш муҳити (стационар ва мобил иловаларда).
- Интерфаол тақдимот яратиш воситаларидан фойдаланиш.
- Онлайн режимда тақдимотлар яратиш воситаларидан фойдаланиш.
- Ўқув материаллари учун график объектларни яратиш.
- Ўқув материалларидаги график объектларга ишлов бериш.
- Тил ўқитишда инфографика воситаларидан фойдаланиш.
- Анимацион лавҳалар кадрларини яратиш усул ва воситалари.
- Ўқув материалларини тайёрлашда анимацион лавҳа эффектлари ва харакатларини тайёрлаш воситалари.
- Онлайн анимацион лавҳалар тайёрлаш муҳитлари билан ишлаш
- Аудио ва видео материалларни ёзиш ва ишлов бериш.
- Видеомонтаж ва эффектлар билан ишлаш.
- Замонавий веб-технологиялар таснифи.
- Интернет тармоғи хизматлари (Google ва бошқа хизматлар).
- Тил ўрганиш учун Интернет тармоғи ресурсларидан фойдаланиш.
- Ахборот хавфсизлигини таъминлаш усул ва воситалари.
- Веб-ҳужжатларни яратишнинг онлайн ва оффлайн воситалари билан ишлаш.
- Тил ўрганишда ўқув-услубий контентини яратиш усуллари.
- LMS мақсад ва тузилмаси.
- LMS MOODLEда фойдаланиш учун ўқув контентларини тайёрлаш ва нашр этиш.
- LMS MOODLEда мулоқот ва маълумот алмашинуви.
- Замонавий ОАВ тахририятлари фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланиш
- Матбуот нашрларини саҳифалашнинг технологик ва дастурий асослари
- Компьютер ёрдамида визуал ахборот узатиш технологиялари
- Маълумотлар журналистикаси ва унда журналистик ахборот контентини шакллантириш усул ва воситалари
- ОАВ фаолиятида маълумотлар журналистикаси кўринишларидан фойдаланиш таракқиёти
- Маълумотлар журналистикаси ва инфографикалар дизайни асослари
- Графика турлари ва ахборот материали маълумотларини компьютер графикаси орқали ифодалаш усуллари
- Маълумотлар билан ишлашда инфографикалар устида ишлаш тамойиллари

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Талаба “Журналистикада АКТ” фанидан мустақил таълимни ташкил этишда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади ва жорий назорат сифатида баҳоланади:

1) мавзулар бўйича конспект (реферат, такдимот) **тайёрлаш.** Назарий материални пухта ўзлаштиришга ёрдам берувчи бундай усул ўқув материалга диққатни кўпроқ жалб этишга ёрдам беради. Талаба конспекти турли назорат ишларига тайёргарлик ишларини осонлаштиради, вақтни тежайди;

2) ўқитиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимлари билан ишлаш. Талабалар маъруза ва амалий машғулотлар давомида олган билимларини ўзлаштиришлари, турли назорат ишларига тайёргарлик кўришлари учун тавсия этилган электрон манбалар, инновацион дарс лойиҳаси намуналари, ўз-ўзини назорат учун тест топшириқлари в.б;

3) фан бўйича қўшимча адабиётлар билан ишлаш. Мустақил ўрганиш учун берилган мавзулар бўйича талабалар тавсия этилган асосий адабиётлардан ташқари қўшимча ўқув, илмий адабиётлардан фойдаланадилар. Бунда рус ва хорижий тиллардаги адабиётлардан фойдаланиш рағбатлантирилади;

4) ИНТЕРНЕТ тармоғидан фойдаланиш. Фан мавзуларини ўзлаштириш, курс иши, битирув малакавий ишларини ёзишда мавзу бўйича ИНТЕРНЕТ манбаларини топиш, улар билан ишлаш назорат турларининг барчасида қўшимча рейтинг баллари билан рағбатлантирилади;

5) мавзуга оид масалалар, кейс-стадилар ва ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва иштирок этиш;

6) амалиёт турларига асосан материал йиғиш, амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, ҳисоботлар тайёрлаш;

7) илмий семинар ва анжуманларга тезис ва мақолалар тайёрлаш ва иштирок этиш;

8) мустақил ишларни такомиллаштириш, масофавий (дистанцион) таълим асосида машғулотларни ташкил этиш бўйича методик кўрсатмалар тайёрлаш ва ҳ.к.

Уйга берилган вазифаларни бажариш, янги билимларни мустақил ўрганиш, керакли маълумотларни излаш ва уларни топиш йўллари аниқлаш, Интернет тармоқларидан фойдаланиб маълумотлар тўплаш ва илмий изланишлар олиб бориш, илмий тўғарак доирасида ёки мустақил равишда илмий манбалардан фойдаланиб илмий мақола (тезис) ва маърузалар тайёрлаш кабилар талабаларнинг дарсда олган билимларини чуқурлаштиради, уларнинг мустақил фикрлаш ва ижодий қобилиятини ривожлантиради. Уй вазифаларини текшириш ва баҳолаш амалий машғулот олиб борувчи ўқитувчи томонидан, конспектларни ва мавзунини ўзлаштириш даражасини текшириш ва баҳолаш эса маъруза дарсларини олиб борувчи ўқитувчи томонидан ҳар дарсда амалга оширилади.

Мустақил ишни ташкил этиш бўйича услубий кўрсатма ва тавсиялар, кейс-стади, вазиятли масалалар тўплами ишлаб чиқилади. Унда талабаларга асосий маъруза мавзулари бўйича амалий топшириқ, кейс-стадилар ечиш услуби ва мустақил ишлаш учун вазифалар белгиланади.

Тавсия этиладиган мустақил таълим мавзулари

1. Компьютер, ноутбук, нетбук ва планшетлар билан ишлаш бўйича презентация яратиш.
2. Адабиётлардан фойдаланиб мавзунини тўлдириш. Таянч иборалар билан ишлаш.
3. Смарт-ўқитиш муҳити элементлари билан ишлаш.
4. Стационар ва мобил операцион тизим турлари.
5. График объектлар билан ишловчи дастурлар.
6. ОТларнинг қўшимча иловалари.
7. Хужжатлар билан ишлашнинг турли дастурий муҳитлари.
8. Хужжат яратишда график объектлар билан ишлаш.
9. Электрон хужжат яратиш усули ва воситалари.
10. Формула ва функциялар билан ишлаш.
11. График объектлар билан ишлашнинг мобил иловалари.
12. Такдимотлар яратиш усули ва воситалари.
13. Анимацион лавҳалар яратиш.
14. Овоз ва видео лавҳаларга ишлов бериш.
15. Турли глобал ахборот ресурслари билан ишлаш.
16. Журналистикада АКТнинг ўрни ва аҳамияти.
17. Замонавий ОАВ тахририятлари фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланиш.
18. Матбуот нашрлари фаолиятининг технологик ва дастурий асослари.
19. Компьютер ёрдамида визуал ахборот узатиш технологиялари.
20. Маълумотлар журналистикасининг ўзига хос хусусиятлари.
21. Маълумотлар журналистикасида ахборот контентини шакллантириш усули ва воситалари.
22. Маълумотларни визуаллаштиришнинг турли тасвирий усуллари.
23. ОАВ фаолиятида маълумотлар журналистикаси кўринишларидан фойдаланиш таракқиёти.
24. Маълумотлар журналистикаси ва инфографикалар дизайни асослари
25. Миллий ва хорижий ОАВ амалиётида инфографикалардан фойдаланиш тажрибаси.
26. Графика турлари.
27. Инфографикалар яратишда Adobe Illustrator дастури имкониятлари.
28. Ахборот материали маълумотларини компьютер графикаси орқали ифодалаш усуллари.
29. Маълумотлар билан ишлашда инфографикалар устида ишлаш тамойиллари.
30. Маълумотлар журналистикаси истиқболлари.

Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида:

- журналистикада АКТ ва унинг таркибий бўлимига тегишли маъруза дарсларида модуль тизимида асосланган электрон мажмуадан;
- амалий машғулотларда, хусусан, матнли, аудиовизуал ва график материаллар устида ишлаш, нашрларни дизайн қилишни ўрганишда таълим технологияларидан, амалий иш ўйинларидан;
- Ўзбекистон Республикасида журналистикада ахборот коммуникацион технологияларни қўллаш масалаларига тегишли дарс машғулотларида таълимнинг бошқа методларидан фойдаланиш назарда тутилган.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар:

1. Liu Y., Dong Z. Visual Storytelling: Infographic Design in News. – USA, Images Publishing Dist Ac., 2015. 240-p.
2. Усмонов А.И., Бахрамов Ф.Д. Компьютер технологиялари асослари. Т., 2010.
3. Houston B., Computer-Assisted Reporting: A Practical Guide. Edition 4. – Great Britain, Tailor & Francis. 2014. 264-p.
4. Léchenet A., Global Database Investigations: The role of the computer-assisted reporter. UK. University of Oxford. 2014. 36-p.

Қўшимча адабиётлар:

1. Mrs. C.Y. Munasinghe, B.Sc. (OUSL); M.Sc. (Colombo) ICT SKILLS, 2013, Open University of Sri Lanka, p.-393
2. Yu.Yu.Gromov, I.V.Didrix, O.G.Ivanova, M.A.Ivanovskiy, v. G.Odnolko Informasionnyye texnologii, Izdatelstvo FGBOU VPO «TGTU», Tambov, 2015, 260 str.
3. Alexey Semenov. Las tecnologías de la información y la comunicación en la enseñanza. División de Educación Superior ©2005, UNESCO
4. Chris Abbott ICT: Changing Education, London and New York, Routledge Falmer, 2001, 45p.
5. Попов А.М., В. Н. Сотников Информатика и математика. Учебник и практикум для прикладного бакалавриата. Из-во Юрайт, 2015 г. ISBN
6. 978-5-9916-3338-3. 430стр.
7. Олифер В.Г. Компьютерные сети. Принципы, технологии, протоколы. Учебник для вузов. Питер, 2015 г. ISBN 978-5-496-01967-5. 992стр.
8. Симонович С.В. Информатика. Базовый курс. Учебник для ВУЗов. Питер, 2013 г. ISBN 978-5-496-00217-2, 978-5-459-00439-7. 637стр.
9. Соловьева Л.Ф., Г. М. Нурмухамедов Информатика. Теоретические основы. Учебное пособие для подготовки к ЕГЭ (+CD) БХВ-Петербург, 2012 г. ISBN 978-5-9775-0871-1. 208стр.
10. Губанов Д.А., Новиков Д.А., Чхартишвили А.Г. Социальные сети. Модели информационного влияния, управления и противоборства. 2010 год. 228 стр.
11. Избачков Ю.С., Петров В.Н. Информационные системы. 2-у изд. 2006 год. 656 стр.
12. Максимов, Н. В. Современные информационные технологии: учеб. Пособие/Н.В. Максимов, Т.Л.Партыко, И.И.Попов. — М: ФОРУМ, 2008. - 512с:ил.
13. Степанов, А. Н. Информатика: Учебник для вузов. 5-е изд./ А.Н.Степанов. - СПб.: Питер, 2007. — 765 с.
14. Алексеев, Е. Р. Подробное руководство для начинающих осваивать Интернет = Интернет от А до Z / Е. Р. Алексеев. - М.: НТ Пресс, 2008. - 448 с.
15. Бойс, Д. От установки до оптимизации работы Windows XP / Джим Бойс. — М.: НТ Пресс, 2007. - 688 с.

16. Говард, Д. Создай свою фотоисторию. Делимся воспоминаниями с помощью Photoshop Elements и цифровой камеры=Будущее воспоминаний. Как поделится моментами своей жизни с помощью Photoshop Elements и цифровой камеры / Дэйн Говард. - М.: НТ Пресс, 2008. - 208 с.
17. Акулов, О. А. Информатика: базовый курс : учебник для вузов / О. А. Акулов, Н. В. Медведев. - 6-е изд., испр. и доп. - М. : ОМЕГА-Л, 2009. - 574 с.
18. Цифровое будущее. Каталог навыков медиа и информационной грамотности /авт.: А. Ю. Домбровская и др.; пер. с англ. О.В.Терешкина; ЮНЕСКО. – Москва: Межрегиональный центр библиотечного сотрудничества, 2013. – Оригин. текст подгот. Фондом «Современная Польша».

Интернет сайтлари

1. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.
2. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
3. Adam Westbrook, Advice for Multimedia Journalists. E-book. – UK, London, 2010. www.adamwestbrook.co.uk
4. Зельдман Дж. Говорящая структура. Создание архитектуры с выразительностью текста. <http://www.webmascon.com>
5. Нильсен Я. 10 главных ошибок в веб-дизайне три года спустя. <http://www.webmascon.com>
6. Картер М. Современный дизайн газет // <http://www.internews.ru/books/design/> 2003.
7. <http://www.webmascon.com>
8. <http://www.innovativeeinteractivity.com>
9. <http://www.journalism.co.uk>
10. <http://www.viewmagazine.net>
11. <http://www.translatorsbase.com/> (Free human translation service)
12. http://www.google.com/language_tools (uses Systran software)
13. <http://www.freetranslation.com/>
14. <http://www.tranexp.com:2000/InterTran?from=fre>
15. <http://www.systransoft.com/>
16. <http://www.systranet.com> (the Systran site)
17. <http://ez2find.com/channel/translate.php> (uses Systran software)
18. <http://babelfish.altavista.com/> (uses Systran software)
19. <http://www.babylon.com/>
20. http://www.reverso.net/textonly/default_ie.asp
21. www.google.com
22. <http://khc.sourceforge.net/en/>
23. <http://fonsg3.hum.uva.nl/praat/>
24. <http://www.exmaralda.org/>
25. <http://www.tes.co.uk/english-secondary-teaching-resources/>
26. <http://web2.uvcs.uvic.ca/courses/elc/studyzone/>
27. <http://ww2.college-em.qc.ca/prof/epritchard/>
28. <http://www.uv.es/bellohc/pedagogia/EVA1.wiki?all>
29. http://www.fundacionsantillana.com/upload/ficheros/paginas/200906/xxii_sem_ana_monografica.pdf

